

Мавзу КҲК учун “Объектга мўлжалланган дастурлаш” фанидан электрок ўқув қўлланма яратиш

МУНДАРИЖА

КИРИШ

I. БОБ. МАВЗУ БЎЙИЧА НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР

- 1.1. Электрон ўқув қўлланмалар хақида умумий тушунчалар.
- 1.2. Масаланинг қўйилиши ва битирув малакавий ишнинг мақсади.
- 1.3. Амалий қўлланилиши. Битирув малакавий иш таркиби ва ҳажми.
- 1.4. Зарурий дастур, инструмент воситалар ва уларнинг конфигурацияси.

II. БОБ. АСОСИЙ КИСМ

- 2.1. «Объектга мўлжалланган дастурлаш» мавзулари бўйича назарий маълумотлар.
- 2.2. Электрон ўқув қўлланманинг ўқув жараёнида эгаллаган ўрни.
- 2.3. Электрон ўқув қўлланма алгоритми ва сценарийси.

III. БОБ. МЕХНАТ МУХОФАЗАСИ

- 3.1. ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРДА, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СИСТЕМАСИДА МЕХНАТ МУХОФАЗАСИГА ОИД ИШЛАРНИ ТАШКИЛ КИЛИШ.
- 3.2. МЕХНАТ МУХОФАЗАСИНИ ЯХШИЛАШ БУЙИЧА РЕЖАЛИ ТАДБИРЛАР.
- 3.3. ЭХМ ХОНАСИ ХАРОРАТИ ВА НАМЛИГИ.

ХУЛОСА

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

ИЛОВА

КИРИШ

2008 йил мобайнида юртимизда 661 мингга яқин, жумладан, кичик бизнес соҳасида — 374 мингга, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида — қарийб 220 мингга, касаначилик ҳисобидан эса — 97 минг 800 та янги иш ўрни яратилди. Албатта, иш ўринлари сонини кўпайтиришда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ва кенгайтириш муҳим ўрин тутди. 2008 йили алоқа, ахборотлаштириш, молия, банк, транспорт хизмати кўрсатиш, маиший техника ва автомобилларни таъмирлаш соҳалари анча юқори суръатлар билан ривожланди. Сўнгги тўрт йил мобайнида йилига ўртача 50 фоиз ўсишни таъминлаётган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида хизмат кўрсатиш жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Натижада хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2007 йилдаги 42,5 фоиздан 2008 йилда 45,3 фоизга ўсди. Айни пайтда қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган хизматлар ҳажми йилдан-йилга ўсиб бораётганига қарамай, ҳали-бери паст даражада — бор-йўғи 26,8 фоиз бўлиб қолаётганига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Айтиш керакки, аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ҳам талаб даражасида эмас. Такрор ва такрор таъкидлаб айтиш керакки, ишлаб чиқариш корхоналари билан кооперация асосида барпо этиладиган касаначиликни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Бу борада мамлакатимизда иш берувчи корхоналар учун ҳам, касаначилик билан шуғулланувчи аҳоли учун ҳам рағбатлантиришнинг яхлит ва таъсирчан тизими яратилган. Бугунги босқичда касаначилик соҳасибандлик ва оила бюджети даромадларини оширишнинг қўшимча манбаига айланиб бораётганини ҳеч ким инкор этолмайди. Айни вақтда касаначилик фуқароларни, биринчи навбатда, хотин-қизлар, айниқса, кўп болали аёлларни, ёрдамга муҳтож ногиронлар ва меҳнат қобилияти чекланган бошқа шахсларни ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш учун муҳим ижтимоий аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Инқирозга қарши чоралар дастури тасдикланиб, тармоқлар ва ҳудудлар бўйича аниқ ижрочиларга етказилди. Дастур ижросини қатъий назорат қилишни таъминлаш мақсадида ҳукумат комиссияси ва жойларда ҳудудий гуруҳлар ташкил этилди. Мухтасар айтганда, Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш бошлаб юборилди ва 2009 йилнинг январь ойи якунлари бу дастур ижроси ўзининг дастлабки, аммо ишончли натижаларини бераётганини кўрсатмоқда. Инқирозга қарши чоралар дастурининг конкрет бўлимлари — белгиланган комплекс чора-тадбирлар қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этишга қаратилган.

Биринчидан — корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологиккайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш. Бу вазифа авваламбор иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштирилаётган ишлаб чиқариш қувватларига тегишлидир.

Бу ўринда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича қабул қилинган тармоқ дастурларини амалга оширишни тезлаштириш вазифаси қўйилмоқда. Ўз навбатида, бу мамлакатимизнинг ҳам ташқи, ҳам ички бозорда барқарор мавқега эга бўлишини таъминлаш имконини беради.

Иккинчидан — жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш, хусусан: — айланма маблағларини тўлдириш учун корхоналарга Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш;

— тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджетга барча турдаги солиқ ва тўловлардан — қўшимча қиймат солиғи бундан мустасно — озод қилиш муддатини 2012 йилгача узайтириш;

— банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта кўриб чиқиш, бюджетга тўланадиган тўловларнинг пенясида кечиш ва бошқа муҳим имтиёз ва преференциялар бериш.

Учинчидан — қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш. Шу мақсадда 2008 йили хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиётимиздаги етакчи тармоқ ва соҳаларда маҳсулот таннархини камида 20 фоиз туширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги таклифлари маъқулланганини қайд этиш лозим.

Шунингдек, таннархни камайтириш бўйича белгиланган параметрларга эришиш учун раҳбар ва масъул ходимларни рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда.

1 - БОБ. МАВЗУ БЎЙИЧА НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1.1. ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАР ХАКИДА УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР.

Электрон укув адабиётлари – замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотларни жамлаш, тасвирлаш, янгилаш, саклаш, билимларни интерактив усулда такдим этиш ва назорат қилиш имкониятига эга булган манба ҳисобланади.

Ўзлуксиз таълим тизимида фан ва технологияларнинг ривожлангани сари мазмуни тез ўзгарувчан, чуқурлаштирилиб ўқитиладиган умумқасбий ва махсус фанлар бўйича асосан кам ададди электрон укув адабиётларини тайёрлаш ўқитиш жараёнида яхши самара беради.

Электрон укув адабиётлари билим оловчиларнинг тасаввурини кенгайтиришга, дастлабки билимларини ривожлантиришга ва қўшимча маълумотлар билан таъминлашга йўналтирилган бўлади.

Таълимни ислох қилиш шундай электрон укув адабиётларини яратишни талаб қиладиги ўларнинг мавжуд бўлиши ўқувчилар ва ўқитувчилар учун, таълим муассаси ва уй шароитида бир хил булган компьютерли мухитни таъминлашни такоза этади.

Электрон укув адабиётлари билан боглик булган қўпгина тушунчаларнинг кенг маънодаги изоҳли талқини компьютер ва ахборот технологиялари ривожланиб бориши билан янада кенгайиб бораётган билимлар билан тулдирилиб боришмоқда.

Шунинг учун электрон укув адабиётлари яратиш билан боглик булган асосий тушунчаларни ойдинлаштириб, аниқлаштириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Электрон услубий қўлланма-педагогик тажрибани умумлаштириш ва ўзатиш ҳамда таълим фаолиятининг янги моделларини шакллантириш ва тарқатиш шакли. Электрон услубий қўлланмада педагогик тажриба машғулотларнинг рақамлаштирилган видео-лавҳалари, электрон ёки ўнга ўғирилган шаклда яратилган талабалар ишларини дарслар бўйича режалаштирилган шаклида қўрсатилади. Электрон услубий қўлланма қўғозли қўмпонентни ўз ичига олиши мумкин.

Электрон укув қўлланмаси-дарслиқни қисман ёки тулиқ алмаштира оладиган ёки тулдирадиган расмий тасдиқланган электрон укув нашри

Электрон дарслиқ (ЭД) – компьютер технологиясига асосланган укув услубини қўллашга, муқтақил таълим олишга ҳамда фанга оид укув материаллар, илмий маълумотларнинг ҳар тўмонлама самарадор ўзлаштирилишига мулжалланган бўлиб:

- укув ва илмий материаллар факатвербал (matn) шаклда;
- укув материаллар вербал (matn) ва икки ўлчамли график шаклда;
- мультимедиа (multimedia – қўп ахборотли мухит) қўлланмалар, яъни маълумот ўч ўлчамли график қўринишида, овозли, видео, анимация ва қисман вербал (matn) шаклда;
- тақтил (ҳис қилинувчи, сезилувчан) ҳусусиятга эга, ўқувчини компьютер экрани оламида ўзининг стерео нусхалари тасвирланган реал оламга қириб бориши ва ўндаги объектларга нисбатан тасаввурини яратадиган шаклда ифодаланади.

Электрон дарслиқ – универсал дастурий таъминот бўлиб, у муайян қасбий фаолиятнинг ўқиш тўрлари ёки ахборот тўрлари ёки ахборот тўрларини қайта ишлашни автоматлаштиришга имкон беради.

Электрон дарсликларнинг асосий хоссалари.

Электрон дарслик куйдаги асосларга эга булиши керак:

- укув машгулотларини юкори сифатли даражасида утказилишни таъминлаш;
- билимларнинг узини хосил килиш ва узини бахолаш имкониятларини яратиш;
- маъруза ва амалий машгулотларни узаро якинлаштириш;
- ахборотли-таълим ресурслари ривожланишининг гармоник таснифига эга булиш;
- матнли ва бошка ахборотли материаллар янгиланган (гиперматнлар) ва иллюстрацияланган (мультимедия воситалари, расмлар, жадваллар, диаграммалар ва бошкалар) булиши керак;
- Электрон дарслик расми матнга ёки маълумотнома айланмаслиги керак;
- Электрон дарслик таълим жараёнига одатдаги дарсликдан узгача, инсон мияси имкониятларини, хусусан, эшитиш ва эмоционал хотирасини жалб килиб, шунингдек компьютер самарадорлигидан фойдаланиб тушунишни, мавжуд тушунчалар ва мисолларни эслаб қолишни максимал даражада енгиллаштириши керак.

Электрон дарсликларнинг куйдаги турлари мавжуд:

1. Фойдаланиш буйича 2 турга ажратиш мумкин: замонавий фойдаланиш ва индивидуал фойдаланиш. Жамоавий фойдаланиш электрон дарсликлари компьютернинг катта тизимли ресурсларини талаб килмаслиги керак, чунки улар купинча серверларда урнатилади ва уларга компьютер тармоги оркали якинлашиш имкони берилади. Индивидуал фойдаланишдаги электрон дарсликлари укув материални талаба иштирокида ёки иштирокисиз урганиш учун мулжалланган. Электрон дарсликларнинг иккала туридан ҳам маъруза машгулотларида фойдаланиш мумкин.

2. Укув материалларини етказиб бериш буйича: бундай турдаги электрон дарсликлар бир булим укув материални узлаштиримай туриб, навбатдаги булимга утишга йул куймайди.

3. Укув ахборотлари ва материалларининг янгиланиши буйича: узлуксиз янгиланиш ва даврий янгиланиш турларига ажратилади. Узлуксиз янгиланишли электрон дарсликлар асосан электрон укув базаларида (порталлар, веб-сайтлар ва бошкалар) ёки электрон кутубхоналарда жойлаштирилади. Даврий янгиланишдаги электрон дарсликлар асосан турли хилдаги ахборотнинг электрон ташувчиларини тасвирлайди (дискетлар. СД-дисклар ва бошкалар)

1.2. МАСАЛАНИНГ ҚЎЙИЛИШИ УНИНГ АКТУАЛЛИГИ ВА АҲАМИЯТИ, БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШНИНГ МАҚСАДИ

Битирув малакавий ишим мавзуси КХК учун “Объектга мўлжалланган дастурлаш” фанидан электрон ўқув қўлланма яратиш деб номланади.

Мавзунинг долзарблиги шундаки ҳозирда олий ўқув юртида утиладиган барча фанлардан электрон ўқув қўлланмалар, виртуал стендлар тайёрлаш ўқув режага кирган бўлиб уни тайёрлаш талаб этилмоқда. Бунга асосий сабаб ўқитиш жараёнида баъзи маърузалар ва тажриба ишларида айнан шу яратилган ўқув қўлланмадан фойдаланилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқитиш тизимида дарсни маълум қисмларини намойиш асосида талабага етказиш мумкин. Олий таълим ва касб – ҳунар коллежлари талабаларининг ҳар бир фандан мукамал билим олиб, малакали мутахассислар бўлиб етишишида ўқув режаларида белгиланган маъруза, тажриба, амалий ва мустақил иш соатларида турли услуб ва воситаларни қўллаб самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Айниқса мустақил ва тажриба ишларини ташкил этишда талабаларнинг индивидуал қobiliятлари ва фан хусусиятларини эътиборга оладиган ўқув – услубий воситалар, усуллар ва тавсиялар ишлаб чиқиш, уларни амалда қўллаш яхши натижалар беради.

Таълим сифатига юқори талаблар қўйилаётган бугунги кунда талабаларда анъанавий усулларда таълим олишга қизиқиш камайиб бормоқда. Уларни турли усулларда қизиқарли ва кўргазмали воситалардан фойдаланиб билим олишга фаол жалб қилиш имкониятлари йилдан – йилга ортиб бормоқда. Илғор ўқув юртлари замонавий компьютер технологияларидан унумли фойдаланиб, таълим сифатини оширишга эришмоқда. Компьютер техникасини замонавий даражаси интернетни ривожланиши ўқитиш жараёнига йўналтирилган, зарурий услубий, дастурий ва техник воситалар билан таъминланган замонавий ахборот технологиялари мажмуаси тушуниладиган информацияли – ўқитиш муҳити яратиш учун кенг имкониятлар яратади.

Ўқитишни умумий қонуниятларига доир дидактик аспектлар ва у ёки бу аниқ фан ёки фанлар гуруҳини ўқитиш хусусиятларини услубий аспектлари ўзаро ва электрон дарсликни дастурий таъминоти масалалари билан узвий боғланган.

Битирув малакавий ишнинг асосий мақсади «Информатика ва ахборот технологиялари» кафедрасида утиладиган «Объектга мўлжалланган дастурлаш» фанидан мавзуларни электрон ўқув қўлланма сифатида яратиб, талабаларда шу фанга бўлган қизиқишини янада орттиришдир.

Уни амалга оширишда электрон ўқув қўлланма ва унинг таркибига кирган виртуал кўргазмалар тўпламидан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Талаба олган назарий билимларини курган виртуал кургазма асосида мустахкамлайди.

«Объектга мўлжалланган дастурлаш» фанининг назарий асосларини, тушунчаларини ва кечаётган жараён виртуал кургазмасини ўқувчи ўз қизиқиши билан қўла олади, тест назорати саволлари орқали урганган билимини текширади. Бу эса ўқувчида фанга қизиқиш ҳамда уни мукамал урганишга имкон яратади. Олган билимларини мустахкамлашга эришилади.

Олдинги битирув малакавий ишларда турли фанлардан электрон ўқув қўлланмалар бажарилган бўлиб, айнан «Объектга мўлжалланган дастурлаш» фанидан КХКлар учун электрон услубий қўлланма яратилмаган. Бу фандан электрон ўқув қўлланма «Информатика ва ахборотлар технологияси» кафедраси буюртмасига қўла киритилган бўлиб, мен уни битирув малакавий иш сифатида бажардим.

1.3. АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНИЛИШИ. БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ ТАРКИБИ ВА ҲАЖМИ

Укувчиларнинг таълим олишида электрон дарслик ёрдамида назарий материалларни етказиб бериш, амалий – тажриба ва мустакил ишларини бажариши мумкин бўлади. Электрон дарслик ва унинг таркибидаги виртуал кургазмалар мажмуи берилган масала ва топшириқларини бажариб билимни мустахкамлаш, ўзлаштириш даражасини ошириш имконини беради. Виртуал стендлар мажмуасидан фойдаланиш таълим сифатини ошириш учун катта имкониятлар яратади. Ахборотларни аудиовизуал воситалардан фойдаланиб яхлит етказиб таълим бериш ўқитишнинг энг жадал шаклларида ҳисобланади. Етакчи мутахассис томонидан дидактик тайёрланган ўқув материали укувчиларнинг индивидуал хусусиятларига йўналтирилади. Мавзуни маълум қисмларини ёки тажрибада куз илғай олмайдиган, тушуниш қийин кечадиган жараёнларни укувчиларга етказиб беришда электрон ўқув қулланмадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Масалан «Объектга мўлжалланган дастурлаш» фанидан мавзуларини оладиган бўлсак, унинг назарий асосларини, тушунчаларини ва қонунда кечаётган жараён виртуал кургазмасини укувчи ўз қизиқиши билан қўли олади, тест назорати саволлари орқали урганган билиминини текширади. Бу эса укувчида фанга қизиқиш ҳамда уни мукаммал урганишга имкон яратади, олган билимларини мустахкамлашга эришилади.

Яратилган электрон укув қулланмани КХКларда мутахассисликлар учун утиладиган «Объектга мўлжалланган дастурлаш» фанидан қўллаш мумкин.

Битирув малакавий иш таркиби ва ҳажми қуйидагича:

Кириш – электрон укув қулланма ва виртуал стендлар яратилишининг долзарблиги, унинг имкониятлари ва ҳозирги кунда унинг аҳамияти тугрисида гап боради.

I – Боб. Мавзу бўйича назарий маълумотлар - бу бобда электрон укув қулланмалар тугрисида умумий тушунчалар, масаланинг қўйилиши унинг мақсади, амалий қўлланилиши, масалани ечишда зарур бўлган дастурий воситалар ва уларнинг конфигурациялари айтиб утилган.

II – Боб. Асосий бўлим бўлиб, унда «Объектга мўлжалланган дастурлаш» фанининг мавзулари бўйича назарий маълумотлар, виртуал стенднинг технологик жараёни, унинг алгоритм ва сценарияси, укув жараёнида эгаллаган ўрни ва ундан фойдаланувчиларга қўрсатмалар келтирилган.

III – Боб. Мехнатни муҳофаза қилиш. Бунда

Битирув малакавий иш ҳулоаса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва дастур иловалари билан якун топади.

1.4. ЗАРУРИЙ ДАСТУРЛАР, ИНСТРУМЕНТ ВОСИТАЛАР ВА УЛАРНИНГ КОНФИГУРАЦИЯСИ.

Электрон ўқув қўлланмаларни яратишда Micromedia Flash, Microsoft FrontPage дастурий махсулотларининг урни жуда каттадир. «Объектга мўлжалланган дастурлаш» фанининг мавзулари бўйича электрон ўқув қўлланма айнан шу дастурлардан фойдаланиб ишлаб чиқилди.

Flash технологияси.

Виртуал стендларни яратишда Micromedia Flash дастурий махсулотининг урни жуда каттадир. Чизмачиликда деталларни бўлакларга бўлиш ва уларни йиғиш бўйича виртуал стенд яратиш айнан шу дастурдан фойдаланиб ишлаб чиқилди.

Macromedia Flash дастури ёрдамида ҳам анимация ва такдимот файлларни яратишимиз мумкин. Аммо Power Point га караганда Macromedia Flash дастурда яратилган анимация файллари тулик сиз томонингиздан яратилади ва анимациялаштирилади. Шу билан биргаликда бу дастурда актив элементлар билан ишлаш ва дастурлаш имкониятлари мавжуд. Асосан Macromedia Flash дастурида кичик анимация файллари (клипплар), Интернет саҳифалар, электрон қўлланмалар ва ... Flash дастурда яратилган файллар узининг оригинал, ишлаш соддалиги, яратилиш мураккаблиги, тезкорлиги, мультимедия жихозланганлиги ва ҳажм бўйича кичиклиги билан кузга ташланишади.

Дастурни ишга тушириш учун Windows нинг **ПУСК** тугмасининг **ПРОГРАММЫ** булимининг **Macromedia** групухи ичидаги **Macromedia Flash** буйругини танлаймиз. Натижада экранда куйидаги дастур ойнаси ҳосил қилинади.

-  - V - Шакл ёки соҳани танлаш ва уни кадр бўйлаб ҳаракатлантириш
-  - A - Кадрда танланган шакл чегараларини узгартириш
-  - N- Кадрга чизик турдаги шакл чизиш
-  - L - Кадрда лассо ёрдамида ихтиёрий соҳа танлаш (сеҳирли таёкча ва купбурчак лассо ҳолатлари ҳам мавжуд)
-  - P - Кадрга купбурчак турдаги шакл чизиш
-  - T - Кадрга матн элементини кушиш
-  - O - Кадрга айлана турдаги шакл чизиш
-  - R - Кадрга тўртбурчак турдаги шакл чизиш (бўлаклари айланасимон ҳолати ҳам мавжуд)
-  - Y - Кадрга қалам ёрдамида шакл чизиш (чизилган шакл чегаралар турини узгартириш ҳолати ҳам мавжуд)
-  - B - Кадрга мўйқалам ёрдамида шакл чизиш (чизиш тури, мўйқалам қалинлиги ва шаклини узгартириш ҳолатлари ҳам мавжуд)
-  - Q - Кадрда танланган шаклни чузиш (шаклни айлантириш, чузиш, қийшайтириш, чегараларини узгартириш ҳолатлари ҳам мавжуд)
-  - F - Кадрда танланган шакл ранглариининг йуналишини узгартириш
-  - S - Кадрда танланган шакл чегаралар рангини узгартириш
-  - K - Кадрда танланган шакл орқа рангини узгартириш (тулик чекланган шакл, тулик чекланмаган шакл ва бутунлай чекланмаган шакл орқа рангини узгартириш ҳолатлари ҳам мавжуд)
-  - I - Кадрда ишлатилган рангни қайта танлаш
-  - E - Кадрда ихтиёрий соҳани учирғич ёрдамида учуриш (чегара, орқа ранг ва танланган ранг, учирғич қалинлиги ва сеҳирли учирғич ҳолатлари ҳам мавжуд)



- Н - Кадр соҳасини силжитиш



- Z - Кадрни маштабини узгартириш (катталаштириш ёки кичкиналаштириш ҳолатлари ҳам мавжуд)



чизиклар рангини ва  орқа рангини узгартириш соҳаларини танлаганимизда куйидаги мулоқот соҳаси ҳосил қилинади.

Flash дастурида ишлаш учун биз бир нечта янги тушунчалар билан танишимиз зарур.

Булар: Flash белгиси, график тасвир (символ), анимацион клип, актив тугма, сцена, кадр, бошқарув кадр, вақт-чизгичи, ва катлам.

Вақт-чизгичи (TimeLine - Временная шкала) - Flash дастурида анимация ҳаракатларни яратишида асосий иш қуроли. Ушбу соҳада катлам ва кадрларни қуришимиз ва улар устидан ҳар хил амалларни бажаришимиз мумкин. Вақт-чизгич орқали катламларни жойлашуви ва тури, кадрлар тури (бошқарув ва автоматик яратилган кадрлар) ва улардаги action дастурлаш скриптлар мавжудлигини қуришимиз ва созлашимиз мумкин.

Ушбу соҳанинг чап томонда катламлар соҳаси, унғ томода эса шу катламлардаги кадрлар соҳалари жойлашган.

Вақт-чизгичнинг чап (катламлар) томони



- устуни катлам қурилиши ёки қуринмаслигини,



- устуни катламни узгартириш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги ва



- устуни катлам элементлари тулик ёки фақат чегаралари қурилишини узгартиришга ёрдам беради.



- тугмаси янги катлам яратиш,



- тугмаси ҳаракат траекторияси катламни яратиш,



- тугмаси катламлар учун папка яратиш,



- тугмаси эса танланган катламни ўчириш амалларни бажаради.

Вақт-чизгичнинг унғ (кадрлар) томони

Вақт-чизгичнинг унғ томоннинг пастки қисмидаги жойлашган



- соҳаси бош кадрга ўтиш, қушни кадрларни ёки улар чегараларини қурсатиш ҳамда бир нечта кадрларни бир пайтда таҳрирлаш тугмалари,



- соҳаси эса нечанчи кадр танланган, кадрлар тезлиги ва нечанчи секундда жойланишимизни қурсатувчи тугмалари.

Катлам (Layer - Слой) - ҳар бир график муҳаррирларидек Flash дастурида ҳам катламлардан фойдаланамиз. Қайси катлам юқорида жойлашган бўлса шу катлам объектлар бошқалар устида қурсатилади. Катламни қуринмас ёки узгартирувчан эмас ҳолатга ўтказиш мумкин. Катламлар оддий, ҳаракат траектория катлами ёки маска (пайдо бўлиш) катлам қурилишида бўлиши мумкин. Бир вақтдаги бир нечта ҳар хил ҳаракатлар учун ҳар хил катламлар керак.



Кадр (Frames - Кадр) - Flash ва қупкина анимацион муҳаррирлар ҳамда видео монтаж дастурлар асосида кадрлар кетма кетлиги жойлашган. Кадрни сиз ўзингиз чизиб яратишингиз ёки дастур уни ўзи автоматик яратиши мумкин. Кадрлар ичида бошқарув кадр (keyframes - ключевой кадр) тушунчаси мавжуд бўлиб, у ҳаракат траекториясининг нуқталарини белгилайди. Автоматик яратилган кадрлар эса икки хил бўлади: шакллар геометриясини ўзгариши (**shape tweening**) ёки бошқарув кадрлар ўзгариши (**motion tweening**) асосида яратилган кадрлар .

Macromedia Flash дастурида анимация яратиш.

Flash дастурида анимация икки хил булади: кадрли (покадровое создание) ва автоматик(автоматическое создание промежуточных кадров). Автоматик анимация шакллар геометриясини узгариши (shape tweening) ёки бошқарув кадрлар узгариши (motion tweening) асосидаги анимация турларга бўлинади.

Бошқарув кадрлар узгариши (motion tweening) асосидаги яратилган анимация.

Шу турдаги анимацияни яратиш учун биз битта бошқарув кадрни яратамиз ва унга белги кушамиз. Масалан бошқарув кадрда айлана чизилади ва у **график тасвир** белги турига **F8** ёки Вставка менюсида Преобразовать в символ (**Convert to Symbol**) буйриги ёрдамида утказилади. Ёки **Ctrl+F8** ёки Вставка менюсида Новый символ (**New symbol**) буйригини танлаб янги белги яратамиз ва Белгилар кутубхонаси ёрдамида уни бошқарув кадрга кушамиз. Буннинг учун керакли кадр раками танлаб F6 тугмасини босамиз.

Энди белги жойлашган бошқарув кадрни сичкончанинг унг томондаги тугма ёрдамида танлаб **Creat motion tweening** ёки Вставить менюсининг шу номли буйругини танламиз. Шу харакатлар натижасида бошқарув кадр ранги кук рангга узгаради. Энди сичконча билан янги кадрни танлаймиз, (масалан 25-чи кадрни) ва **F6** ёки Вставка менюсида Ключевой кадр (**Insert keyframe**) актив катламда кейинги бошқарув кадрини яратиш буйругини танлаймиз. Натижада 25-чи кадрда кук рангли бошқарув кадр ҳосил қилинади ва шу кадргача биринчи бошқарув кадрдан стрелка ҳосил қилинади. Биринчи бошқариш кадрдан иккинчи бошқариш кадргача кадрлар кук рангга автоматик ҳосил қилинади. Охириги харакатимиз - бу иккинчи бошқариш кадрдаги белгини узгартириш (**чузиш, айлантириш, катталаштириш, кичкиналаштириш ёки кадрдаги жойланишини узгартириш**). Энди клавиатурадаги Enter тугмасини босамиз ва биз яратган анимацияни куришимиз мумкин.

Action Script тили ҳақида.

Action Script модули Flash дастурининг таркибига қиради ва у вебдизайнерлар учун улкан имкониятлар яратиш билан бирга жуда оддий ва тушунарлидир. Action Script ойнасига кириш учун Flash ишчи ойнасининг пастки қисмидаги Action панели босилади. Ойнанинг пастки қисмида қўшимча ойна пайдо бўлади. Ушбу ойна Action буйруқларини ёзиш, таҳрирлаш ва ишлаш учун яратилган. Script ёзиш тартиби қуйидагича. Сиз объектга, сахнага, фреймга скрипт ёзиш имкониятига эгасиз. Керакли объект танланади. Сўнгра Action панели очилади. У ерда сиз оддий ёки эксперт режимини танлаб бемалол дастурлашингиз ёки оддий буйруқларни киритишингиз мумкин. Айтилик фильм юкланган пайтда у катта ойнада ҳосил бўлсин. Бунинг учун барча объектларни қўйганимиздан сўнг вақт қаторининг биринчи кадрга қуйидаги скриптни ёзишимиз талаб этилади:

Fscommand (fullscreen, true). Ушбу буйруқ тўла ойна хусусиятини ростга ўзгартиради. Объектлар билан ишлашда скриптлардан фойдаланиш объектларни интерактив бошқаришга ва ҳисоблаш ишларини амалга оширишга имкон беради.

Front Page да Web – саҳифа яратиш кетма – кетлиги.

Web – сайт яратишдан аввал унинг структураси ишлаб чиқилади ва шу структурага мос маълумотлар йиғилади. Бизнинг мисолимизда маълумот курс ишининг назарий қисмидан олинади ва расмийлаштирилади. Мисолдаги Web – сайт оддий структурага эга бўлиб, унда дастлаб бош саҳифа (index) тайёрланади, сўнгра ҳар бир маъруза мавзуси

алохида Web саҳифа курунишига келтирилади. Бош саҳифадан туриб қолган маълумотларга мувожаат урнатилади. Қуйида Web саҳифа яратилиши босқичлари келтирилган:

1. Пуск – Программи – Microsot Office – FrontPage дастури ишга туширилади.
2. Бош саҳифани яратишдан олдин, қисм саҳифаларни кетма – кет яратишни ошлаймиз.
3. Қисм – саҳифалар қуйидагича номланади ва мос файл номи билан хотирада сақланади.
 - a) Қириш қисми – қириш.htm
 - b) Назарий қисм – наз-қисм.htm
 - Web-технология интеграцион технология сифатида.
 - Web-технологиядан фойдаланувчиларнинг тахлили.
 - Web-технологияни ишлатиш мақсадлари курсаткичлари.
 - Архитектура.
 - WWW учун дастурлар. WWW учун дастурий таъминотдан фойдаланиш бўйича курсатувчи дастурлар. Browsers (Браузерлар)
 - c) Амалий қисм – амал-қисм.htm
 - d) Хулоса – хулоса .htm
 - e) Фойдаланилган адабиётлар - адаб.htm
4. Шундан сунг бош саҳифани яратишни бошлаймиз.
5. Бош саҳифани тузиш учун биринчи бўлиб, Web - сайтнинг юқори қисмида курс иши мавзуси киритилади.
6. Кейинги сатрларда курс иши қисмлари бирма – бир киритилади.
7. Ушбу қисмларга гипермувожаат урнатиш учун биз FrontPage 2000 дастурининг Вставка-Гиперссылка бўйруғидан ойдаланамиз.
8. Гипермувожаат урнатилиши керак бўлган матн танланади ва Вставка-Гиперссылка бўйруғи бажарилади.
9. Хосил бўлган мулоқот ойнасининг киритиш ойнасига юқорида келтирилган файллар номи ва уларнинг йуллари тулик киритилади.
10. Қолган гипермувожаатлар шу тартибда амалга оширилади ва хосил бўлган бош саҳифа index.htm курунишида хотирада сақланади.

Web – сайт тайёр бўлгач уни Internet Explorer дастури ёрдамида қуриш мумкин.

•

II БОБ. АСОСИЙ ҚИСМ

2.1. «Объектга мўлжалланган дастурлаш» мавзулари бўйича назарий маълумотлар.

Замонавий ахборот технологияларининг гуркираб ривожланиши ва уни куллаш соҳасининг кенгайиши дастур таъминотининг жадал ривожланишига олиб келди. Шунинг таъкидлашнинг узи етарлики 1996 йил жаҳон ҳам жамиятида дастур таъминотида 100 млрд. АКШ долларида зиед маблаг сарфланди. Бунда дастур таъминоти ривожланиши йуналиши шунинг курсатдики, харажатлар тенденцияси йилига 20% ушиб бормокда.

Delphi бу юқори сифатга эга бўлган дастурлар яратиш воситасидир. Delphi нинг юклаш учун камида 4MB тезкор хотирага эга бўлган 386 компьютер керак бўлади. Лекин нормал ишлаш учун камида 8MB тезко хотирага эга бўлган 66MHz ли 486DX компьютери тўғри келади.. Delphi да яратилган унча катта бўлмаган дастурлар ихтиёрий компьютерда ишлай олади. Бошқача қилиб айтганда уларга Delphi муҳити учун зарур бўлган тезкор хотира ва процессор тезлиги талаб қилинмайди.

Дастурлаш муҳити тузилиши.

Delphi дастурлаш муҳитининг ташқи кўриниши Windows да кўриш мумкин бўлган бошқа дастурлаш муҳитлари кўринишидан фарқ қилади. Масалан, Borland Pascal for Windows 7.0, Borland C++ 4.0, Word for Windows, Program Manager – буларнинг барчаси MDI дастурлари ҳисобланади ва Delphi га ўхшамайди. MDI (Multiple Document Interface) – битта асосий ойнанинг ичида бир нечта қуйи типдаги ойналарни бошқаришни билдиради.

Delphi муҳ ити эса, Single Document Interface (SDI) деб номланувчи бошқ а хусусиятга амал қ илади ва алоҳ ида жойлашган бир нечта ойнадан иборат.

Агар сиз Delphi га ў хшаш SDI дастурлардан фойдалансангаз, бошқ а дастурлар ойналари уни ёпиб қ ў ймаслиги учун уларни пастга тушириб қ ў йиш керак. Агар бошқ а дастурга ў тиш зарурияти туғ илиб қ оладиган бў лса, Delphi дастури бош ойнасидаги кичрайтириш тугмасини босиш кифоя.

Дастурлаш муҳитининг асосий ташкил этувчилари.

Қуйида Delphi нинг асосий ташкил этувчилари келтирилган:

1. Формалар дизайнери (Form Designer)

2. Дастур матни муҳаррири (Editor Window)
3. Компонентлар тўплами (Component Palette)
4. Объектлар инспектори (Object Inspector)
5. Ёрдам тизими (On-line help)

Delphi'нинг булардан ташқари сизга дастурлаш муҳити ва дастурни созлаш учун хизмат қилувчи тизим менюси, ускуналар чизгичи каби бошқа воситалари ҳам бор.

Delphi'да дастурчилар кўп вақтларини Формалар дизайнери ва Дастур матни муҳаррири орасида ўтиш билан ўтказадилар. Сиз дастурлашни бошлашдан олдин шу икки муҳим элементни ажрата олишингизга ишонч ҳосил қилинг.

Delphi'даги Формалар дизайнерининг тузилиши шу қадар оддийки, дастурнинг ташқи кўринишини яратиш болалар ўйинига ўхшаб кетади. Формалар дизайнери дастлаб оддий бўш ойнадан иборат бўлади ва сиз уни кейинчалик компонентлар тўпамидан олинган объектлар билан тўлдиришингиз мумкин.

Формалар дизайнерининг муҳимлигига қарамасдан, дастурчиликнинг кўп вақтлари Дастур матни муҳарририда кечади. Чунки бу ерда дастурнинг асосий коди (иш бажарувчи қисми) ёзилади.

Компонентлар тўплами сизга формалар дизайнерига ўрнатиш ва дастурнинг ташқи кўринишида иштирок этувчи объектларни танлаш учун хизмат қилади.. Компонентлар тўпамидан фойдаланиш учун аввал керакли объект устига сичқончани икки марта босинг ва сўнгра формалар дизайнерига сичқончани босиш билан танланган объектни формага қўйишингиз мумкин.

Компонентлар тўпламида объектлар гуруҳлар буйича алоҳида саҳифаларга бўлинган. Тўпламда Standard, Additional, Dialogs ва ҳозирга қадар саҳифалар йиғилган. Агар сиз бу номларнинг ихтиёрийсини боссангиз, шу гуруҳ объектлари жойлашган саҳифага ўтишингиз мумкин.

Масалан, сиз формага TEdit объектини ташладингиз; сиз уни бир жойдан иккинчи жойга кўчиришингиз ва унинг ўлчамларини ўзгартиришингиз мумкин. Бошқача кўпчилик объектлар билан ҳам худди шундай ишларни амалга ошириш мумкин. Лекин, дастур бажарилишида

формада кўринмайдиган (TMenu ёки TdataBase каби) объектлар ўз кўринишини ўзгартирмайди.

Формалар дизайнеридан чап томонда сиз объектлар инспекторини кўришингиз мумкин. Бу ойнадаги маълумотлар формада танланган объектнинг типига қараб, ўзгариб боришига эътибор беринг. Ҳар бир компонент бу объектдир, ва унинг кўриниши ҳамда ҳаракатини объектлар инспектори ёрдамида ўзгартириш мумкинлигини унутманг!

Объектлар инспектори жорий объектнинг ҳаракатларини аниқлаш учун икки саҳифадан ташкил топган. Биринчи саҳифа — хусусиятлар рўйхати бўлса, иккинчиси объектнинг ҳолатлари рўйхатидир. Жорий объектнинг бирор томонини ўзгартириш керак бўлса, сиз албатта Объектлар инспекторига мурожаат қилишингиз керак. Мисол учун сиз TLabel элементининг номини ўзгартиришингиз, ёки унинг Caption, Left, Top, Height, ва Width каби хусусиятлари ёрдамида жойлашишини ўзгартиришингиз мумкин.

Объектлар инспектори ойнасининг қуйи қисмидаги саҳифа номларидан объектларнинг хусусиятлари ва ҳолатлари ойнасига ўтиш мумкин. Ҳолатлар саҳифаси дастур матни муҳаррири билан бевосита боғлиқ бўлиб, ундаги ҳолатларнинг ихтиёрийсига сичқончани икки марта боссак, объектнинг шу ҳолатига тегишли дастур сарлавҳаси муҳаррирда пайдо бўлади ва сизга шу ҳолатда бажариладиган ишларни дастур кўринишида ёзиш имконияти берилади. Delphi бу имкониятини кейиноқ тўлиқ кўриб ўтамиз.

Delphi дастурлаш муҳитининг ёрдам тизими

Delphi муҳитининг охириги муҳим қисми бу ёрдам тизимидир (on-line help). Бу воситага мурожаат қилиш учун аввал меню сатридан Help сўнгга Contents буйиғини танлаш керак.

Ёрдам тизими жорий ҳолатга боғлиқ ҳисобланади, яъни сиз F1 тугмасини босишингиз билан жорий ҳолатга мос маълумотни олишингиз мумкин. Масалан, Объектлар инспекторида бирор хусусиятни танлаб, F1 тугмасини боссак — жорий хусусиятнинг қўлланилиши ҳақида маълумотга эга бўламиз

Қўшимча элементлар

Бу бўлимда биз асосан дастурлаш учун ёрдамчи ҳисобланган учта қўшимча элементлар ҳақида гапирамиз:

- Меню (Menu System)
- Тезкор мурожаат тугмалари (SpeedBar)
- Расмлар муҳаррири (Image Editor)

Меню Delphi'нинг энг тезкор ва мослашувчан воситасидир, чунки, ундаги буйруқларни тезкор тугмалар ёрдамида ҳам бажариш мумкин. Менюнинг қулайлиги шундаки, бу ерда тугмачалар ва белгилардан фарқли равишда аниқ сўзлар ишлатилади.

SpeedBar бевосита менюниг қуйи қисмида, компонентлар тўпламидан чап томонда жойлашади.

Расмлар муҳаррири Windowsдаги Paint дастури каби ишлайди. Сиз бу объектга Tools менюснинг Image Editor буйруғини танлаш билан мурожаат қилишингиз мумкин.

Энди дастурчилар Delphi'да кўп қўллайдиган элементлар билан танишиб ўтамиз.

Инструментал воситалар

Юқорида кўриб ўтилганлардан ташқари Delphi таркибида яна бешта восита мавжуд. Улар қуйидагилар:

- Ички дастур назоратчиси
- Ташқи дастур назоратчиси
- Буйруқ сатри компилятори
- WinSight
- WinSpector

Бу воситаларнинг алоҳида гуруҳга булинганлиги уларнинг бошқаларидан кўра камроқ амамиятга молик эканлигида эмас, балки, улар дастурлаш жараёнида анча мавҳум техник вазифаларни бажаришидадир.

Delphi'да кучли дастурчи бўлиш учун сиз Delphi дастур назоратчиси қандай тузилганлигини билишингиз керак.. назоратчи сизга ёзилган дастурни кадамба-кадам текшириш, бир мартада дастур матнининг бир қаторини бажариш имконини беради ва

дастурдаги узгарувчилар қийматларини алоҳида кўриш ойнаси (Watch)да кузатиш имконини беради.

Юқорида санаб ўтилган беш элементдан энг муҳими бўлган ички дастур назоратчиси дастур матни муҳаррири ойнасида ишлайди. Ташқи дастур назоратчисининг ичкидан фарқи у анча тез ва кучлилигидадир. Лекин уни ишлатиш учун аввал Delphi муҳитидан чиқиш керак..

Энди Компиляторлар ҳақида гаплашайлик. Ташқи компилятор DCC.EXE деб номланади, у асосан дастурни ташқи дастур назоратчиси ёрдамида ўтказишдан олдин ишлатилади. Лекин кўпчилик дастурчилар ўз дастурларини Delphi муҳитининг ўзида назорадан ўтказадилар.

WinSight ва WinSpector Windows муҳитида кучли дастурчилар учун қизиқарли ҳисобланади. Бу воситалар иккиламчи ҳисобланади ва фақат тор техник мақсадларда ишлатилади.

Бу икки воситадан WinSight анча фойдалироқ. Унинг асосий вазифаси Windows томонидан юборилаётган хабарлардан сизни воқиф қилиб туришдир. Delphi малакасиз фойдаланувчилардан бу тизимнинг мураккаб қисмларини яширишга мўлжалланган бўлсада, Windows ҳолатларни бошқариш мумкин бўлган тизим саналади. Delphi сизга Windowsнинг ҳамма хабарларига жавоб бериш имкониятини беради. Натижада, малакали фойдаланувчиларга WinSight зарур бўлиб қолади.

WinSpector ЭХМнинг жорий ҳолатини матнли файлларга сақлаб қўйиш учун хизмат қилади; ва сиз бу файллар ёрдамида дастурнинг қайси қисми ишламаётганлигини ва нималарни ўзгартириш кераклигини билиб олишингиз мумкин.

Стандарт компонентлар

Компонентлар тўплами

Delphi дастурлаш муҳити билан танишишни давом эттирар эканмиз, компонентлар тўплами ҳақида гапиришга тўғри келади.

Компонентлар тўпланининг биринчи саҳифасида 14та объектлар жойлашган бўлиб, ҳамма дастурчилар албатта ушбу объектлардан фойдаланишган. Чунки, жуда ҳам камчилик тугма, рўйхат, киритиш ойналари ва ҳо казолардан фойдаланмасдан дастур туза олади. Бу объектларнинг барчаси Windowsдаги сичқонча ва мулоқот ойнаси каби муҳимдир.

Ҳар бир саҳифадаги компонентлар тўплами ва жойлашишини ўзгартириш мумкин. Демак, сиз мавжуд компонентларни ўрнини ўзгартириш билан биргаликда уларнинг таркибига янгиларини қўшишингиз мумкин.

Delphiнинг стандарт компонентлари ва уларни ишлатиш ҳақидаги қисқача изоҳ қуйида келтирилган. Бу компонентларни ўрганаётган вақтда қўл остингизда компьютер бўлгани маъқул, чунки бирваракайига уларнинг ишлаш принципи билан ҳам танишишингиз мумкин.

- **TMainMenu** – ўз дастурингизга бош меню қўшиш имконини беради. **TMainMenu**ни формага қўйган вақтда у кичкина белги кўринишини олади; бундай белгиларни "кўринмас компонент" деб атайдилар, чунки, дастур бажарилар вақтида улар экранда кўринмайди. Менюни яратиш уч қадамдан иборат: (1) TMainMenu формага ўрнатиш, (2) объектлар инспекторининг Items хусусияти ёрдамида Меню дизайнерини чақириш, (3) Меню Дизайнерида меню қисмларини киритиш.

-  **TPopupMenu** ёрдамчи менюни яратиш. Бу меню сичқончанинг ўнг тугмаси босилганда кўринади.

- **TLabel** матнларни экранда намоиш қилиш учун қўлланади. Агар сиз объектлар инспекторининг Font хусусиятига сичқончани икки марта боссангиз, **Label**нинг шрифти, ранги, ҳарфлар ранги ва ўлчамларини ўзгартишингиз мумкин.

- **TEdit** – Windowsдаги стандарт маълумот киритиш ойнаси. У қисқа матнларни намоиш қилиши ва дастур бажарилиш вақтида фойдаланувчига ўз матнини киритиш имконини беради.

- **TMemo** – TEditнинг бошқача кўриниши. Катта матнлар билан ишлашни кўзда тутади. TMemo матн қисмларини қатордан қаторга кўчириши, буферда сақлаши, охирги амаллардан воз кечиши, умуман олганда оддий муҳаррир амалларини бажара олади. TMemo 32Кб матн ҳажми билан чегараланади, бу тахминан 10-20 саҳифа матнга тенгдир.

- **TButton** дастур бажарилар вақтида тугма босилиши билан бирор амал бажарилишини кўзда тутади. Delphiда ҳамма нарса оддий. TButtonни формага қўйиб, унга икки марта сичқон тугмасини боссак, биз дастур матни муҳарририда тугма босилиш ҳолатига дастур тузимиз мумкин бўлган ойнага ўтамиз. Энди дастур

матнини бажариладиган буйруқлар коди билан тўлдириш керак. Масалан:

```
procedure TForm1.Button1Click(Sender: TObject);
```

```
begin
```

```
MessageDlg('Ишларингиз яхшими?',mtConfirmation,mbYesNoCancel,0);
```

```
end;
```

- **TCheckBox** чап томонида кичкина дарчаси бўлган матн сатрини акслантиради. Дарчага унинг белгиланганлигини билдирувчи белги қуйиш мумкин. Масалан, Wordдаги Печать мулоқот ойнасининг Печать в файл бўлимида айнан шу объект ишлатилган.

- **TRadioButton** бир нечта ҳолатлардан бирини танлаш имконини беради. Масалан, Wordдаги Печать мулоқот ойнасининг чоп қилиниши керак бўлган саҳифалар оралағини танлаш бўлимида айнан шу объект ишлатилган.

- **TListBox** рўйхатли маълумотларни намоиш қилишга мўлжалланган масалан Wordдаги Открыт буйруғи ёрдамида очиладиган мулоқот ойнасидаги файллар ва каталоглар рўйхати айнан шу объектга жойлаштирилган.

- **TComboBox** ташқи кўринишидан ListBoxга ўхшаб кетади, улар орасидаги фарқ ComboBoxнинг юқорисида маълумот киритиш мумкин бўлган майдони ҳам бор. ComboBoxнинг кўплаб турлари мавжуд, кўп ишлатиладигани эса, рўйхати пастга очиладиган (drop-down combo box)дир.

-  **TScrollbar** – ўтказиш йўлакчаси. Кўпинча таҳрирланадиган ёки кўринадиган маълумотлар экрандан чиқиб кетганда пайдо бўлади.

-  **TGroupBox** Windowsга формадаги объектларнинг қандай жойлашганлигини билдириш учун қўллаш мумкин.

- **TPanel** – TGroupBoxга ўхшаш объект бўлиб, безаш учун ишлатилади.

Агар сизга бундан кўра тўлиқроқ маълумотлар керак бўлса, Delphiнинг ёрдам тизимидан фойдаланинг

Объектлар Инспектори ҳақида.

Олдинроқ биз Объектлар Инспектори (Object Inspector) билан бир оз танишиб ўтдик. Энди у билан яқинроқ танишиш вақти етди. Объектлар Инспекторининг асосий вазифаси формага ташланган ихтиёрий объектнинг хусусиятларини таҳрирлаш

ҳисобланади. Бундан ташқари у ёрдамида форманинг хусусиятларини ҳам ўзгартириш мумкин.

Объектлар Инспекторини ўрганишнинг энг қулай усули – у билан ишлашдир. Аввал янги лоиҳа очамиз File | New Project. Сўнгра формага TMemo, TButton ва TListBox объектларини жойлаштиринг.

Хусусиятлар билан ишлашни бошлашда Ctl3D хусусиятидан бошлаймиз (жимлик қоидаси бўйича фаол). Формага сичқон тугмасини босинг, Объектлар Инспекторига ўтинг ва Ctl3D хусусияти қийматини сичқонча ёрдамида бир неча марта ўзгартириб кўринг. Бу амал форманинг ташқи кўринишини ўзгартираётганлигига эътибор қаратинг. Форманинг Ctl3D хусусияти қийматини ўзгартириш шу формага ташланган ҳамма объектларнинг шу хусусияти қийматини ўзгартиради.

Формага дастлабки ҳолатини қайтаринг ва ундаги TMemo объектини белгиланг, сўнгра <Shift> тугмасини босиб туриб, TListBox объектини белгиланг. Энди сиз формадаги бир нечта объектларни белгилай оласиз. Объектлар гуруҳини белгилаганда Объектлар Инспекторида фақат шу гуруҳ объектлари учун умумий бўлган хусусиятлар кўринади ва уларнинг қиймати ўзгартирилиши белгиланган объектларнинг барчаси учун амал қилади. Агар бу гуруҳда умумий хусусиятларга эга бўлган объектлар бўлмаса, Объектлар Инспекторида ҳеч қандай хусусият кўринмайди.

2.2. Электрон ўқув қўлланманинг ўқув жараёнида эгаллаган ўрни.

Ўқув қўлланма олий ўқув юртларининг 5140900 – Касб таълими – “Информатика ва ахборот технологияси” йўналиши бўйича таълим олаётган талабалар учун мўлжалланган.

Масалан бирор мавзу оладиган булсак уни дарсда баён қилишни қуйидагича ташкил этиш мумкин:

Дарс мавзуси: «Лоихани бошқариш»

Дарс режаси:

1. Delphi лоихаси.
2. Лоихани бошқариш

Дарс мақсади:

Таълимий – талабаларга лоиханинг тузилиши, унинг дастурий элементлари, дастурий элементларга таъсир этувчи ички элементлар ҳақидаги тушунчаларни ўргатиш.

Ривожлантирувчи – дастурий элементларни тугри танлай олиш, унинг турларини мустақил фарқлай олиш, лойихалаш босқичларини ўрганишдаги билимларни шакллантириш.

Тарбиявий – ўрганилаётган мавзуда талабаларни диққат ва кузатувчанликка йўналтириш.

Дарс таъминоти:

Янги билимларни баён қилиш учун кўргазмали материаллар: Кўргазмалар, Web-sahifada муҳити, сайтлар.

Дарс тузилиши:

1. Ташкилий қисм – 5 дақиқа
2. Ўтилган мавзуни такрорлаш – 10 дақиқа
3. Янги билимларни баён қилиш – 50 дақиқа
4. Янги билимларни мустаҳкамлаш – 5 дақиқа
5. Уйга вазифа – 5 дақиқа
6. Дарс якуни – 5 дақиқа

Мавзу матни

Delphi'нинг ихтиёрий лоихаси камида олти файл яратади. Улардан учтаси лоиха томонидан яратилади ва дастурчилар уларнинг таркибини кўпинча ўзгартирмайдилар. Улар қуйидагилар:

- Лоиханинг бош файли, дастлаб PROJECT1.DPR деб номланади.
- Дастурнинг дастлабки модули /unit/, у ишнинг бошида автоматик равишда яратилади. Файл UNIT1.PAS деб номланади ва унинг номини ихтиёрий ном билан алмаштириш мумкин. Масалан, MAIN.PAS.
- Бош форма файли жимлик қоидасига биноан UNIT1.DFM деб номланади, у бош форманинг ташқи кўриниши ҳақидаги маълумотларни сақлайди.
- PROJECT1.RES файли автоматик ҳолда яратилади ва лоиха учун белгини сақлайди.

- PROJECT1.OPT файли матнли файл ҳисобланиб, сиз компиляторда қўллаган ўрнатмаларингизни сақлайди.
- PROJECT1.DSK файли ишчи соҳанинг ҳолати ҳақидаги маълумотларни сақлайди.

Албатта лоиҳа номини ўзгартириганда RES, OPT и DSK кенгайтмали файлларнинг номлари ҳам ўзгаради.

Дастур компиляциясидан кейин қуйидаги кенгайтмали файллар ҳосил бўлади:

DCU – тайёр модуллар.

EXE – ишчи файл.

DSM – дастурнинг муҳитда ишга тушиши учун хизмат қилувчи файл, унинг ҳажми жуда катта ва иш якунлангач уни ўчириш тавсия қилинади.

~PA, ~DP - backup. – муҳаррирнинг вақтинчалик файллари.

Менюнинг “File” бўлими

Лоиҳанинг файллари билан ишлаш учун “File” менюсини танланг. “File” менюси қуйидагича тузилган:

Кўриб турганингиздай бу ерда бншта бўлим мавжуд:

- Биринчи бўлим лоиҳа билан тўлиқ ишлашга мўлжалланган.
- Иккинчи бўлим лоиҳанинг формалари, модуллари ва қисмлари устидан назоратга мўлжалланган.
- Учинчи бўлим лоиҳага файлларни қўшиш ва олиб ташлаш учун хизмат қилади.
- Тўртинчи бўлим чоп қилишни бошқаради.
- Бешинчи бўлим Delphiдан чиқиш.

“File” менюсининг ҳар бир бўлими ёрдам тизимида изоҳланган бўлганлиги учун уларга тўхтаб ўтирмаймиз.объяснена в Справочнике. Выберите меню “File” и нажмите F1, появится экран справочника, как на рис.1.

Лоиҳани бошқариш

Энди сиз Файл менюси ёрдамида лоиҳа яратишни ўрганиб олдингиз ва лоҳани бошқарувчи Лоиҳалар Менежменти шарҳига ўтсак бўлади. Лоиҳалар Менеджери икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм бошқарувчи тугмалар ва ундан пастдаги иккинчи қисмда лоиҳа таркибига кирувчи модуллар номи ва уларнинг дискдаги ўрни кўрсатилган.

Сиз бошқарувчи тугмалар ёрдамида лоихага янги файлларни қўшишингиз ёки олиб ташлашингиз мумкин. Бу ўзгаришлар дастлабки файлга ўзгартиришлар киритади, яъни лоихага янги модул қўшилса унга йўлланма DPR кенгайтмали файлда автоматик ҳолда ёзилади..

Меню бўлимлари шарҳи

Менюнинг “File” бўлимини юқорида кўриб ўтдик. Қуйида менбнинг - “Edit”, “Search”, “View” ва “Compile” бўлимларини қисқача кўриб ўтамиз.

Менюнинг “*Edit*” бўлими

“Edit” менюси “Undo” ва “Redo” буйруқларини сақлайди, улар муҳаррирда ишлаётганда беҳосдан қилинган хатолардан (масалан, матннинг керакли қисми ўчириб юборилди) воз кечишга мўлжалланган.

“Cut”, “Copy”, “Paste” ва “Delete” буйруқлари Windowsнинг бошқа дастурларидаги каби, лекин уларни фақат матнларга эмас, балки, объектларга ҳам қўллаш мумкин.

“Bring To Front”, “Send To Back”, “Align” ва “Size” объектларнинг формада туриши ва уларнинг ўлчамларини бошқаришга мўлжалланган.

Менюнинг “*Search*” бўлими.

“Search” менюсида “Find Error” (хатоликларни қидириш) буйруғи мавжуд бўлиб, у дастур бажарилиш вақтидаги хатоликларни топишга мўлжалланган. Хатолик ҳақидаги хабарда чиқарилган рақамни “*Find Error*” мулоқот ойасига киритинг ва муҳит дастурдаги хатолик содир бўлган қисмни кўрсатади.

Менюнинг “*View*” бўлими.

“View” менюсининг таркиби қуйидагича:

- Project Manager (Лоиҳа Менеджери).
- Project Source –муҳаррирга лоиханинг бош файли (DPR) ни юклайди.
- Экранда Object Inspector кўрсатиш керак ёки йўқлигини билдирувчи ўрнатма.
- Экранда Alignment Palette кўрсатиш керак ёки йўқлигини билдирувчи ўрнатма.
- Browser – дастурдаги объектлар иерархиясини намойиш қилувчи воситани чақириш.

- Watch, Breakpoint ва Call Stack – дастурни бошқариш билан боғлиқ ва уларга кейинроқ тўхталамиз.
- Component List – Компонентлар тўплами. Компонентларни номи бўйича қидиришда ёки сичқонча йўқлигида қўлланилади.
- Window List – Delphi муҳитида очилган ойналар рўйхати.
- Toggle Form/Unit, Units, Forms – форма ва мос модуллар орасида утиш, форма ва модуллар рўйхатдан танланади.
- New Edit Window – муҳаррирнинг қўшимчак ойнасини очади. Бу кўпинча бир файлнинг икки нусхасини билан ишлаганда қулайлик яратади.
- SpeedBar и Component Palette –экранда намоиш қилиш ўрнатмалари.

Менюнинг **“Compile”** бўлими.

Менюнинг “Compile” бўлимида лоиҳани ишга тайёрлаш (compile) ёки қайта ишлаш (build) мумкин. Агар Compile ёки Run танланса, Delphi фақат охириги компиляциядан кейин ўзгартирилган модулларни тайёрлайди. Build all эса, лоиҳа таркибидаги ҳамма модуллар ва дастур матнларини тайёрлайди. Syntax Check буйруғи эса, фақат дастур матни буйруқлари тўғри ёзилганлигини текширади.

Энг пастки – Information буйруғи дастур ҳақидаги умумий маълумотларни чиқаради.

Менюнинг **“Run”** бўлими.

“Run” бўлимидан дастурни ишга тайёрлаш ва дастур учун буйруқ сатри параметрларини бериш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Менюнинг **Options** бўлими.

“Options” тизим енюсининг анча мураккаб қисмидир. Сиз бу ердан лоиҳа ва Delphiнинг бутун ишчи муҳит учун ўрнатмаларни ўзгартиришингиз мумкин. В “Options”нинг етти буйруғи мавжуд:

Project

Environment

Tools

Gallery

Open Library

Install Components

Rebuild Library

Дастлабки тўрт буйруқ мулоқот ойналарини чақиради. Қуйида менюнинг “Options” бўлимига қисқача шарҳ келтириб ўтилган:

- Project – жорий лоихага тўғридан-тўғри таъсир қилувчи параметрларни ўрнатиш.
 - Environment – дастурлаш муҳитининг тузилишини бошқариш (IDE). Масалан, бу ерда муҳаррирда ишлатиладиган рангларни ўзгартириш мумкин.
 - Tools – бош менюнинг Tools бўлимидаги ташқи дастурларни юклаш ва улардан воз кечиш. Масалан, сиз бирор модулдан кўп фойдалансангиз, уни рўйхатга қўшиб қўйиш мумкин.
 - Gallery – Формалар ва лоихалар эксперти учун специфик ўрнатмаларни қўллайди.
 - Охирги учта буйруқ компонентлар тўпламини тузишга ёрдам беради.
- Options | Project мулоқот ойнаси бешта асосий саҳифадан иборат:
- Forms саҳифасида лоихада ишлатиладиган барча формалар келтирилган;
 - Application саҳифасида сиз дастур учун керак бўладиган сарлавҳа, ёрдам файли ва белгиларни аниқлашингиз мумкин.
 - Compiler саҳифаси дастур матнидаги хатоликлар, дастур абажарилиш вақти хатоликлари, уни тайёрлаш каби вазифалар билан шуғулланади.
 - Linker саҳифасида дастурни боғлаш шароитларини аниқлаш мумкин.

Directories/Conditionals саҳифаси – жорий лоиха учун фойдаланиладиган каталоглар кўрсатилади.

Назорат саволлари:

1. Дастур ишлаши учун яратиладиган файллар.
2. Дастур томонидан яратиладиган файлларнинг вазифаларинималардан иборат?
3. Delphi муҳити менюлари.

2.3. Электрон ўқув қўлланма алгоритми ва сценарийси.

Электрон ўқув услубий қўлланмани яратиш учун дастлаб керакли маълумотлар йиғилган файлни тайёрлаш керак. Microsoft Front Page дастурини очиб, “Создать” буйруғини танлаймиз. “Создание” мулоқот ойнасидан “Одностраничный веб-узел” шаблонини танлаймиз. Ишчи ойнада Index.htm файли очилади. Бу яратилаётган электрон ўқув услубий қўлланманинг бош саҳифа файли ҳисобланиб, бу ерда керакли график ва бошқа объектларни жойлаштирамиз.

Бош саҳифани расмийлаштириш учун Internet тармоғидан олинган тайёр шаблонлардан мос келадиганини танлаб бириктирамиз. Шаблонни бириктириш учун шаблон жойлашган каталогни веб-узел сифатида очамиз ва керакли саҳифани Index.htm деб номлаймиз. Керакли йўлланмаларни ва объектларни ўрнатиб, саҳифани талаб даражасида расмийлаштирамиз.

Жимлик қоида-сига биноан яратилаётган веб-узел “\Documents and Settings\Admin\Мои документы\My Webs\myweb” папкасида жойлашган бўлади. Бу йўлни ихтиёрий вақтда “Сохранить как” буйруғи ёрдамида ўзгартириш мумкин.

Бош саҳифада фаннинг номи, муаллифлар, мундарижага йўлланма, фан ҳақида умумий тасаввур берувчи анимация (ҳаракат) бўлиши керак.

Ҳаракатланувчи матн киритиш.

Фан номини киритиш: “Вставка” менюсидан “Веб-компонент” буйруғини танлаймиз, ҳосил бўлувчи “Вставка компонента веб-узла” мулоқот ойнасининг “Тип компонента” рўйхатидан “Динамические эффекты” бандини ва “Выберите” эффект майдонидан “Бегущая строка” ни танлаб “Готово” тугмасини босамиз. Экранда “Свойства бегущей строки” мулоқот ойнаси пайдо бўлади. Бу ойнанинг “Текст” майдонида фан номини яъни “КҲК учун “Объектга мўлжалланган дастурлаш” фанидан электрок ўқув қўлланма яратиш” ёзувини киритамиз. Шу ойнанинг “Направление” бўлимида матнинг ҳаракат йўналиши танланади, “Скорост” майдонидан матн ҳаракатининг керакли тезлиги (одатда задержка 90, величина 6) ўрнатилади, “Поведение” майдонидан эса матн қандай (прокрутка, сдвиг ёки попеременно) ҳаракат қилиши танланади. “Повторы” майдонидан “Непрерывно” байроқчасини ўрнатамиз. “Цвет фона” мулоқот ойнасидан фон учун керакли ранг танлангач, “ОК” тугмаси босилади. Шунда бизнинг бош саҳифамизнинг юқори қисмида киритилган ҳаракатланувчи матн ҳосил бўлади. Бу матннинг бирор хусусиятини ўзгартириш учун унга сичқнчанинг ўнг тугмасини босамиз ва ҳосил бўлувчи менюдан “Свойства бегущей строки” бўлимини танласак, керакли мулоқот ойнаси фаоллашади ва бу ердан керакли ўзгаришларни киритиш мумкин.

Фон танлаш.

Шундан сўнг “Формат” менюсидан “Фон” бўлимини танлаймиз. Экранда “Свойства страницы” мулоқот ойнасининг “Форматирование” саҳифаси фаоллашади. Бу ердан “фоновый рисунок” байроқчасини белгилаймиз ва “Обзор” тугмаси ёрдамида керакли расмни танлаймиз бу расм, бизнинг бош саҳифамиз фонида туради ва ҳамма объектлар рангини шу фонга қараб танлаш тавсия қилинади.

WordArt белгиси ёрдамида муаллиф исми ва шарифини киритиб, уни саҳифанинг пастки қисмига жойлаштирамиз.

Ҳаракатланувчи (анимацияли) тасвирни жойлаштиришдир

Кейинги иш бош саҳифанинг ўртасида ҳаракатланувчи (анимацияли) тасвирни жойлаштиришдир. Бунинг учун курсорни керакли жойга ўрнатамиз, “Вставка” менюсининг “Рисунок” бўлимидан “Фильм в формате Flash...”ни танлаймиз. Керакли файлгача бўлган йўлни ва файл номини танлаб, “Вставить” тугмасини босамиз.

Биз саҳифага ўрнатаётган матнлар ҳам, расмлар ҳам “Конструктор” режимида ҳаракатсиз кўринишда бўлади. Уларнинг ҳаракатларини кўриш учун “Просмотр” режимида ўтиш, ёки “Сохранить веб-узел” буйруғини бажариб, уни Internet Explorer дастури ёрдамида кўриш мумкин.

Лоихага бошқа саҳифаларни қўшиш

Шу амаллар билан бош саҳифани расмийлаштиришни вақтинча тўхтатамиз ва қолган саҳифаларни веб-узелимизга бириктирамыз. Бунинг учун “Вид” менюсининг “Переходы” буйруғини танлаймиз асосий ишчи ойнада узелимиз номи ёзилган битта саҳифа макети кўринадими бу лоихамизнинг бош саҳифаси бўлиб, унга қолган саҳифаларни бириктириш мумкин бўлади. Саҳифа макетининг устига сичқончанинг ўнг тугмасини босамиз ва ҳосил бўлувчи контексли менюнинг “Создать” бўлимидан “Страница” буйруғини танлаймиз. Ойнада бош саҳифага боғланган “Новая страница 2” саҳифаси ҳосил бўлади. Бу саҳифа номини “Mundarija” деб номлаймиз, саҳифа номини ўзгартириш учун, уни танлаб F2 тугмасини босиш керак. Шунда экраннинг “Список папок” ойнасида “Mundarija.htm” саҳифаси пайдо бўлади.

Бу фанимиз 9 та маърузага мўлжалланганлиги учун мундарижа саҳифасига юқорида кўрсатилган амаллар ёрдамида 9 та саҳифа қўшамиз. Саҳифаларни мос ҳолда “Maruza_1”, “Maruza_2”,..., “Maruza_9” деб номлаймиз. Охирида адабиётлар учун янги саҳифа очамиз ва уни “Adabiyotlar” деб номлаймиз.

Мундарижани тайёрлаш

Экраннинг чап қисмидаги “Список папок” ойнасидан мундарижа саҳифасига кирамиз ва 9 та маърузанинг номларини ёзиб, уларга мос саҳифалар учун йўлланмалар ўрнатиб чиқамиз.

III БОБ. Мехнат муҳофазаси

3.1. ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРДА, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СИСТЕМАСИДА МЕХНАТ МУҲОФАЗАСИГА ОИД ИШЛАРНИ ТАШКИЛ КИЛИШ.

Корхона ва ташкилотлар меҳнат муҳофазасининг умумий ҳолатига унинг директорлари, бошликлари жавоб берадилар. Ишлаб чиқариш соҳаларида меҳнат шaroитларини яхшилаш ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида хавфсизлик техникаси хизмати кузда тутилган.

Хавфсизлик техникаси хизматининг асосий вазифалари ташкилот ва корхоналарда ишлаб чиқариш травматизми сабабларини бартараф этиш ишларини бажариш, меҳнат шaroитларини яхшилаш, хавфсизлик техникаси ва химоя воситаларини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш маданиятини кутариш, ташкилий-техник ва санитария-гигиена тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ишлаб чиқариш ва техник хизматларнинг ишини назорат қилишдан иборат.

Ташкилотларда ва кишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси ва ёнгиндан муҳофаза қилишни ташкил қилиш бўйича инженерлик лавозими бор.

Бу инженернинг вазифасига корхона ишчиларига хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясидан таълим беришни ташкил қилишда иштирок қилиш ва уларнинг билимларини текшириш қиради. У жамоанинг қасаба уюшмаси билан биргаликда меҳнат шaroитини яхшилашга оид тадбирлар ишлаб чиқади ва уларнинг бажарилиш чорасини қуради.

Меҳнат муҳофазаси бўйича инженер ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бахтсиз ҳодисалар юз берган вазиятни ва унинг сабабларини текширишда иштирок этади, травматизм туғрисида ҳисоботлар тузади, унинг сабабларини урганади ва уларни бартараф қилиш чораларини ишлаб чиқади.

Халқ таълими системасида меҳнат муҳофазасининг умумий ҳолати, уқув муассасаларининг раҳбарларига юклатилади. Улар қуйидагиларни ташкил қилиши керак.

- бутун уқув процессида уқувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш;
- мактабда, лицейда ва коллежларда хавфсизлик техникаси бўйича плакатлар, инструкциялар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлаш;
- ишлаб чиқаришда ва уқув процессида содир бўлган бахтсиз ҳодисаларни текширишни ташкил қилиш ва унга сабаб бўлган камчиликларни тузатиш.
- ҳар қандай огир ёки групповой бахтсиз ҳодисаларни тезда вилоят халқ таълими бошқармасига, прокуратурага ва вилоят қасаба уюшмасига хабар етказишни ташкил қилиш керак;
- қасаба уюшма билан биргаликда ҳар чоракда меҳнат муҳофазаси бўйича тадбирларнинг бажарилишини текшириб боради;
- меҳнат муҳофазаси ҳолати бўйича жавоб берувчи шахснинг ҳисоботи тинчланади ва содир бўлган камчиликлар тузатилиб борилади;
- доимо уқув хоналарнинг ҳаво иклими, чангланганлик ва захарли газларнинг бор-йўқлиги текширилишини шунингдек дизенфекция қилишни ташкил қилади;
- ҳар йили электроустановкларнинг ерга уланишини, изоляциясини текширтириб боради;
- уз вақтида уқув хоналарнинг ремонтини ташкил қилади (потолок, поллар ва хоказолар).

Меҳнат хавфсизлиги ҳамма ишчи-ҳодимларнинг, талабаларнинг ва уқувчиларнинг хавфсизлик қоидаларини билишларига боғлиқ. Шунинг учун ишга янги қабул қилинган барча ишчилар иш уринларида кириш инструктажи ва бирламчи инструктаждан

утганларидан кейингина ишга куйилишлари мумкин. Бундан ташкари даврий инструктаж, пландан ташкари инструктаж, кушимча инструктаж ва ойлик укиш курслардан иборат.

Кириш инструктажини тегишли соҳанинг бош мутахассиси утказди. У меҳнат муҳофазасига оид конунчилик тугрисидаги асосий маълумотларни, ички тартиб-қоидалар ва корхонадаги хавфсизлик қоидалари тугрисида гапириб беради. Кириш инструктажи суҳбат ёки лекция тарзида утилади. Кириш инструктажини утишда купрок техника асбоблари, курғазмали куроллар ёрдамида утиш керак. Инструктаж утгандан кейин албатта журнал тутиш керак ва бу журналга укувчилар ва талабалар инструктаж утганлиги хақида кул куйиши керак.

Бирламчи инструктажни уқитувчи ёки участка бошлиги ҳар бир талаба билан ёки ишчи билан олиб боради. Бирламчи инструктажга ишчининг уз ихтисослиги буйича вазифалари, иш урнини хавфсиз ташкил қилиш тартиби билан таништириш, асбоб-ускуна ва химоя воситаларини ишлатиш ҳамда улардан фойдаланиш қоидалари, хавфсиз ишлаш усуллари, ёнгинни учуриш воситалари ва сигнализациянинг турар жойи ҳамда ишлатиш усуллари, шунингдек, хавф тугилган тақдирда узини қандай тутиш кераклиги билан таништирилади. Инструктаж утувчи ишчининг ёки талабанинг хавфсизлик қоидалари буйича билимини текшириб куради, агар у меҳнат муҳофазасининг асосий талабларини, қоидаларини урганган бўлса уни ишлашга рухсат беради ва журналга қайд қилиб куяди.

Даврий инструктаж – ишчи-ҳодимларга ва талабаларга қаида ярим йилда бир марта иш жойида утказилади. Унинг мақсади – ишчиларнинг хотирасида хавфсизлик техникаси ва ёнгинга қарши курашиш қоидаларидан билимларини мустаҳкамлаш учун, ҳамда электроустановкаларга хизмат курсатувчи ҳодимлар учун эса қаида 3 ойда бир марта бевосита иш уринларида утказилади.

Пландан ташкари инструктаж – хавфсизлик қоидалари ёки асбоб-ускуна ва хавфсиз ишлашга таъсир қилувчи бошқа ҳар қандай факторлар урганганида, шунингдек, бирор ҳодим томонидан травма, авария ёки ёнгин чиқишига олиб қеладиган даражада хавфсизлик қоидалари бузилганда утказилади.

Кушимча инструктаж эса бахтсиз ҳодисадан кейин, сунгги инструктаж берилган санадан қатъи назар ҳамма ишловчилар билан утказилади.

Ойлик укиш курсларида қучланиши 1000 В ва ундан юқори бўлган электроустановкаларга хизмат курсатувчи ҳодимлар, баландликда ишловчи монтажчилар, изоляцияловчилар, электр-газ пайвандчилар ва юқори хавф манбаида ишлайдиган ишчилар уқийди. Улар ташкилот бош инженери тасдиқлаган программа асосида ишларнинг хавфсиз усуллари ва қабулларига уқитади. Уқитиш тугагандан сунг ишчининг курсатилган ишларнинг усуллари ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларини узлаштирганлиги юзасидан олган билими текширилиб, унга гувоҳнома берилади.

3.2. МЕХНАТ МУХОФАЗАСИНИ ЯХШИЛАШ БУЙИЧА РЕЖАЛИ ТАДБИРЛАР.

Ишчиларнинг соғлом ва бехатар меҳнат килишлари ҳамда уларнинг иш шароитларини яхшилашга факат юксак даражадаги, хавфсизлик техникаси талабларига жавоб берадиган замонавий техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий килиш билангина эришиш мумкин. Бу борада меҳнат муҳофазасини яхшилаш мақсадида режали тадбирлар ишлаб чиқилади.

Қасаба уюшма уставига асосан ҳар йили маъмурият билан ишчи-хизматчилар уртасида узаро меҳнат муносабатлари туғрисида жамоат битими тузилади. Бу битимда ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат килиши ва маданий, маиший дам олиши тадбирлари ҳақида келишиб олинади. Худди шу битимда меҳнатни муҳофаза килиш чора-тадбирлари, меҳнат шароитини яхшилаш масалалари ҳам ҳисоби олинади ва бу масалалар маълум тартибга келтирилиб, меҳнатни муҳофаза килишнинг номенклатура чора-тадбирлари сифатида битимга тиркаб қўйилади.

Номенклатура чора-тадбирлари планини қасаба уюшмаси билан келишган ҳолда маъмурият ходимлари туради. Унга ушбу корхонада ҳозирги меҳнат шароити, касб касалликлари ва саноат корхонасида инсон организмига таъсир килувчи зарарли омилларнинг мавжудлиги асос қилиб олинади. Бу план қасаба уюшма билан келишилгандан кейин ишчиларнинг умумий мажлисида муҳокама қилинади.

Номенклатура чора-тадбирларига асосан иш шароитини яхшилашга олиб келадиган чора-тадбирлар киритилиб, уларни шартли равишда қуйидаги уч гурппага бўлиб қараш мумкин.

1. Бахтсиз ходисаларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар; бунга қушимча сакловчи ва муҳофаза қилувчи тусик системаларини урнатиш, блокировка қилиш, муҳофазанинг автоматик системаларини қўллаш, узоқдан туриб бошқариладиган асбоблар жорий қилиш, сигнал системалари, механизациялаштириш масалалари ва бошқалар қиради.
2. Ишлаб чиқаришда касб касалликларининг олдини олишга қаратилган тадбирлар; бунга ишчилар ҳар хил зарарли таъсир қўсатувчи моддалардан муҳофаза қилувчи қўрилмалар тайёрлаш ёки сотиб олиш, яхши шамоллатиш ва хавони тозалаш системаларини урнатиш, сув ичадиган фонтанчалар урнатиш ва ичимлик сувини тозалаш ҳамда газлаш учун асбоб-ускуналар сотиб олиш.
3. Меҳнат шароитларини умумий яхшилашга қаратилган тадбирлар; бунга оқилона ёритиш, санитария-маиший хоналар ҳолатини яхшилаш, махсус қийим бош ва оёқ қийимларини вақтида сифатли ремонт қилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш кабинетлари, бурчаклари ва стовкалари ташкил қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига оид инструкциялар, эслатмалар чиқариш.

Номенклатура чора-тадбирлари иш битимига киритилганлиги ва ишчиларнинг умумий мажлисида тасдиқлангани сабабли, бу чора-тадбирлар бажарилиши шарт бўлиб қолади ва унинг бажарилиши ҳақида маъмурият ишчиларга ахборот бериб туриши керак. Унга сарфланадиган маблағ ишлаб чиқариш корхонасининг асосий фондидан олинади ва бу маблағлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш мутлоқо тақиқланади.

Ҳар йили ишлаб чиқариш травматизмининг олиндини олишга юз миллион сумлаб маблағ сарфланади, бироқ қўпгина корхоналарда травматизмлар содир бўлиб туради. Бахтсиз ходиса юз берган шароитларни текшириш шу нарсани қўсатадики, унинг содир бўлишига қўпинча жароҳатланувчининг ўзи, унинг шахсий сифатларидаги етишмовчилик сабаб бўлар экан.

Купинча ишни бажаришда ишловчига боглик булган психологик факторларнинг катта таъсири борлигини курсатади. Мехнат хавфсизлиги психологиясининг асосий ҳоллари куйидагилар:

1. Мехнат хавфсизлиги ишловчининг жисмоний ва биологик сифатларининг катта комплексига боглик: янги ишчиларни қабул қилишда асосий эътиборни уларнинг уз қасбларини тугри танлашига ва ишнинг хавфсиз усулларини узлаштиришларига жалб қилиш лозим.

Ишловчиларнинг хатти-ҳаракатида интизом ва узини тута билишига эришиш ҳам асосий факторлардан биридир. Бу нарса хавфсизлик техникаси талабларини систематик равишда бажаришда намоён бўлади. Ишловчиларни содир булган бахтсиз ҳодисалар билан таништиришда, унинг барча содир бўлиш сабабларини тушунтириш ва шу ернинг узида унинг олдини олиш йулларини курсатиш лозим.

2. Техникавий камчиликларнинг таъсири.

Инсонинг психтик ҳаёти асосан ташки муҳитга боглик ва ишни бажариш пайтида бу муҳитдаги зарарли факторлар инсонга бутунлай ёмон таъсир курсатади. Бу зарарли факторларга қуйидагилар қиради: газ ва чанг билан ифлосланганлик, ёмон ёритилганлик, жуда паст (- 4 , - 6 С) ёки жуда юкори (+ 30 С) температура, шовкин. Бу факторлар ишловчининг тез чарчашига, сергаклигининг йуқолишиқабиларга сабаб бўлади, булар эса тажрибасизлик ва эҳтиётсизлик билан биргалиқда бахтсиз ҳодисага олиб келади.

3. Ишловчиларнинг травматизмига сабаб бўлувчи шахсий сифатлари.

Ишга қабул қилинаётган қупчилик қасбдаги кишилар учун мажбурий булган медицина қуригини утқазिश вақтида (Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси 214-модда) ишга қабул қилинаётган кишининг шахсий сифатларини, шунингдек унинг соғлигидаги травматизмга қалинишини қучайтирадиган етишмовчиликларни комплекс равишда ҳисобга олиш зарур. Буларга қуйидагилар қиради:

1. Асаб қасаллик системаси ёки бошқа органлардаги доимий функционал узғаришлар;
2. Сизги органларининг турли қамчиликлари, қуришнинг қисман йукотилиши, қаранглик ва ҳоқазо;
3. Ҳаракатларнинг мослашувидаги нуксонлар (эпчилмаслик, ишончсиз ҳаракатлар);
4. Эмоционал қараёнларнинг мувозанатлашмаганлиги (хурсандчилик, арзимаган ташки таъсирга дарҳол берилиши), булар енгилтақлик, уйламасдан иш қилиш, шошма-шошарлиқда намоён бўлади;
5. Алқоголь ва нашаларга ружу қуйиш;
6. Ишдан қунгли тулмаслик ва унга қизикишнинг йуқлиги, бундан эса ҳардамҳаёллик, қизикмаслик қелиб қикади.

Юқорида айтилганлардан шундай ҳулоса қелиб қикадики, медицина қуригининг салбий ҳулосасига ёки қажараётган ишига узининг шахсий ҳислатлари мос қелмаслигига қарамасдан ишга қирган киши, бошқаларга нисбатан узининг бахтсиз ҳодисага учрашига доимо сабабчи бўлади.

3.3. ЭХМ ХОНАСИ ХАРОРАТИ ВА НАМЛИГИ.

ЭХМда ишлаш кислороднинг концентрацияланиши пасайишига, азоннинг купайишига бу эса уз навбатида хаво атмосфераси таркибидаги азоннинг чегаравий кийматларидан ҳам ошишига олиб келиши мумкин. Хавонинг ионли таркиби бузилади. Укув хонасида агар компьютерлар ёкилган ва ҳеч ким булмаса, манфий ионлар микдори чегаравий кийматдан ошиб кетиши мумкин, бу эса одамлар кайфиятини ёмонлашувига, бош огригининг пайдо булишига, ишлаш кобилиятининг пасайишига олиб келиши мумкин.

Хаво таркибидаги ионларнинг мумкин булган чегаралари куйидагича:

1. Хонада фойдаланувчилар булса, хаво органик табиатли антропоген моддалар ва углерод диоксиди билан ифодаланади. Шу сабабли ЭХМни хоналарда ҳама иклимий соҳалар учун оптимал ҳарорат намлик режимини таъминловчи окимли сурувчи вентеляцияга эга булиш тавсия этилади.
2. Ҳарорат ва нисбий намликнинг оптимал ва чегаравий папараметрлари.

Окимли сурувчи вентеляция булмаган вақтда хавонинг маиший кондиционерларнинг унумдорлигига машиналардан, одамлардан, куёш радиациясидан, сунъий ёритиш манбаларидан буладиган ортикча иссиқлик микдорига боғлиқ равишда урнатиладиган кондиционерларнинг сонини ҳисоблаш мумкин. Ҳисоблашлар вентеляциялар буйича муҳандис томонидан ҳисобланиши керак. Кондиционерлар меъёр кийматидан ошмайдиган шовкинни ҳосил қилмаслиги керак. Кондиционерлар ишлаётган вақтда хона эшиклари ёпиқ булиши керак. Окимли сурувчи вентеляция ва кондиционерлар булмаган вақтда хонани ҳар бир танаффусда ва ҳар қандай хавода шамоллатишни ташкил этиб туриш керак. Агар об-хаво шароитлари йул қуйса, дарсларни очик деразалари хонада ҳам утказиш мумкин.

ЭХМлик хоналар юқори шовкинли ва вибрацияли хоналардан (машина заллари, гимнастика заллар, музика маҳсулотлари учун кабинетлар, устохоналар ва х.к.) шунингдек куча магистралларидан, катта транспорт катнови кучаларидан узоқроқ булиши керак. ЭХМ хоналарида шовкин даражаси 40, хаво иситиш тизими, вентеляция ва кондиционер ишлаганда эса 35, укув машгулотлари вақтида эса шовкин 50 дан ошмаслиги керак.

Шовкинни пасайтириш мақсадида ЭХМли хоналарда 63 - 8000 Гц частотали соҳада товушни ютувчи юқори самарали материаллар ишлатилиши мумкин. Хонада товушни ютувчи қушимча восита булиб деразалардаги огир, зич дарпардалар хизмат қилиши мумкин.

Улар девордан 15 – 20 см масофада осилган булиши керак. Бундай парда эни дераза энидан 2 марта катта, бир хил рангда ва укув хонаси ранги билан мос тушган булиши керак.

Ҳар хил полимер материаллар ишлатилган ЭХМли хоналарда олиб борилган гигиеник тадқиқотлар шуни курсатадики, хавога ҳар хил фенол, формальдегид, хлорли винил аммиак, толуол, ҳоказоларга эга экан. Улар мумкин булган чегаравий таъсир курсатиш, унинг меҳнат кобилиятини пасайтириш мумкин. Хаво ҳароратининг ошиши хона хаво муҳитидан химик моддаларнинг мавжудлиги бир хил даражада сезилмайдиган ёқимсиз хид тугдиради. Бу моддалар концентрацияси об – хаво шароитлари, ташқаридаги хаво ҳарорати, атмосфера босими, шамолнинг тезлиги ва хона деразаларига йуналиши ва ҳоказолар билан аниқланади. Ёмгирли об - хавода ташқи хаво ҳароратининг кутарилишида сурувчи вентеляция иши ёмонлашади.

Шу сабабларга қура, ЭХМли хоналар деворларини безашда хавога зарарли химик моддалар ва бирлашмалар ажратувчи синтез синтетик матириаллардан фойдаланишга йул қуймайди.

ХУЛОСА

Менинг битирув малакавий ишим мавзуси “КХК учун “Объектга мўлжалланган дастурлаш” фанидан электрон ўқув қўлланма яратиш” деб номланади.

Ушбу битирув малакавий ишни бажариш жараёни мен тўрт йил давомида олган билимларимдан фойдаландим ҳамда Янги дастурлаш тили ҳисобланган объектга мўлжалланган дастурлаш тилларини ўрганиб унларда янги амалий дастурлар яратдим.

Яратилган дастурий таъминотдан ўрта махсус касб ҳунар таълими ва олий таълим жараёнида ҳам фойдаланиш мумкин. Ҳозирча бу электрон ўқув қўлланмада жойлаштирилган маълумотлар институтмиз миқёсида чегараланган кейинчалик маълумотлар омборини кенгайтириб унга республикамизда ва чет элда бажарилган илмий ишланмаларни ҳам киритиш ниятидаман.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.